

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

2003-YIL ■ 31-IYUL ■ PAYSANBA ■ 89 (27.109) ■ uzbovezi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Замондошларимиз



ЙЎЛ ҚУРГАН САВОБГА ҚОЛАДИ

Узқудан йўлсозлар кўринди. Асфальт текислайдиган ва шағал ётқизадиган техникалар ёнидаги учтўрт кишига Қурбон ака алланималарни тушунтириётган экан.

У бизни сояга таклиф қилди ва гапни ишлардан бошлади:

— «Узавтоўл» концерни томонидан белгилаган режа асосида ишляймиз, ўтган етти ойлик топшириқни барвақт бажардик.

Қурбон ака табиатан камгап, камтар одам. Мақтанишни сира ёқтирмайди. Аслида айтса арзигулик ишлари оз эмас. Йўлларни таъмирлаш, қўламазорлаштириш режалари 105 фоиздан тортиб 120 фоизга уддаланди. Белгилаган 383 километр ўрнига 438 километр йўл қўла-маси сифатли таъмирдан чиқди.

Шағал йўлларни қора қоплама билан қоплаш, асфальт йўлларга асфальт ётқириш, қопламани қайта тиклаш, сиртки ишлов бериш, қора қоричма билан таъмирлаш каби юмушлар ижроси ҳам 116 фоиздан 165 фоизга адо этилди.

Саккиз километр узунликдаги йўл тизими юқори тоифали йўллар туркумига ўтказилди. 2 та 24 погон метр узунликдаги кўприк қайта қурилиб, 5 та 38 погон метри қувурлар узайтирилди. Харажат хавфсизлигини таъминлаш кўрсаткичлари ҳам

кўнгилдагидек бўлди. Қисқаси, бу ишларнинг барча сарф-харажатини ҳисоблайдиган бўлсак, 3 миллиард 169 миллион 209 минг 200 сўмлик юмуш бажарилди...

— Қурбон ака, Президентимиз жаҳон андозалари талаблари даражасидаги кенг, равон йўллар, кўприклар қурилишига қатта эътибор бериб келяпти. «Йўл, кўприк қурган инсон сабога қолади, билиб кўйинглар» деб бот-бот такрорлайди... У киши мамлакатимиз раҳбари бўлиб иш бошлагунга қадар Қашқадарёда ишлаганлар. Уша пайтларда вилоятда йўл қурилишига эътибор қандай эди?

— Уша йиллари ҳам мен шу соҳада ишлардим. У киши бирлашма-миз йўлсозлари ишларидан доим хабар олиб турардилар. Бир гал, 80-йиллар ўрталари эди, сайлов олди учрашувига келиб, йўлсозларимиз шашнига шундай илик сўзлар айтдиларки, ҳали-ҳануз эслаб юраимиз... Янги йўл қурилишларига ўзлари топшириқ бериб, охиригача назорат қилардилар. Уша пайтларда йўл қурилишига маблағ ажратилишига ўзи осон иш эмасди, йўлсозларимиз тажрибаси ҳам кам эди. Ҳозир бошқача.

Дарҳақиқат, ҳозир республика-миз йўлсозлари тажрибаси ва маҳорати шу даражага етдики,



буғунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида уларнинг олдига тушадигани камдан-кам топилади.

Мана, масалан, Тошкентдан бошланган Катта Ўзбек Траки (йўли)ни олинг: бир учи — Тер-



бу Шарқни бирлаштирувчи Буюк ипак йўлига асос бўлапти...

Самарқанддан Китоёга Утаётганингизда Тахта Қорача дово-нини биласиз. Илгари одамлар у йўлдан фақат от, эшакларда, нари борса аравада, ёхуд пойи-пиёда ўтишган. Туманлардаги йўллардан, айниқса, қор-қиров-ли кунларда юриш оғир эди... Дарвоқе, кечаги ва буғунги йўллар ўртасида ер билан осмон-ча фарқ бор. Ўтган 12 йил ичида бунёд этилган узунлиги минг-минглаб километрларга чўзилган икки томонлама асфальт йўллар-ни, юзлаб салобатли кўприклар-ни, темир йўзлар ва катта-кичик халқа йўлларни тасаввур қилинг: узогингиз ақин, оғирингиз эн-гил... Кенг, равон, ойнадек ой-дин йўллар... Мустақиллик йўла-ри!

... Қурбон Панжиев Қашқадарё автоўй ақциядорлик бирлаш-масига ишга келганида Ёшгина йилгича эди. Орадан 44 йил ўтди. Шогирд эди — устоз бўлди, ишчи эди — сардор бўлди. Эл-юртга танилиб, «Устоз йўлсоз» деган фахрли «тахаллус» олди. 10 на-фар фарзанд ва 28 нафар нева-ранинг отаси, бобоси... Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажли-си депутати. Йўл қуриб, кўприк-лар қуриб иззат-обрў топаётган, сабога қолаётган инсонлардан бири.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Илхом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари

Суратларда: Қурбон Панжиев фарзандлари ва набираларига бир гапни қўп такрорлайди: ҳалол, камтар бўлинглар, барака тола-низлар, эл ҳурматида бўласизлар; йўл қурилиши участкаларидан би-рида.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар

Газетада босилмади, алмо...

Шофирконлик ноғирон ўрол Ишназаров қувурларнинг эскиргани, босимнинг камлиги сабабли ичимлик сув етказиб беришда узилиш-лар бўлаётгани ҳақида тахририятимизга шикоят ёзган эди. Хат ўрганиб чиқиш учун Бухоро вилоят ҳокимлигига жўнатилган эди. Яқинда вилоят ҳокимлигидан жавоб олдик.

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

«Шофиркон шаҳри Х.Олимжон кўчаси, 6-ўйда истикомат қилувчи фуқаро У.Ишназаровнинг газета тахририятига ёзган хати вилоят ҳокимлиги мутахассислари ва шу масалага алоқадор бўлган ташкилотлар билан биргаликда жойида ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди:

Шофиркон туман маркази шу ҳудудда жойлашган сув ишлаб чиқариш ва узатиш иншооти (1 тасининг ҳажми 600 м³ бўлган сув ҳавзаси) орқали артезиан қудуқлари суви билан таъминланган келинган.

Туман маркази ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш

мақсадида «Дамхўжа» сув қувуридан туман марказидаги сув тақсимлаш иншоотидага d=300 мм., узунлиги 10,5 км. бўлган сув қувури қурилиб ишга туширилди. «Дамхўжа» сув қувурида сувнинг микдори ва босими етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, қувур ёнида қучайтирувчи насос станцияси қурилиб, сув тақсимлаш иншоотида сув берилди.

Бироқ, Шофиркон тумани марказидаги сув тақсимлаш иншоотида сув ҳавзаси ҳажмининг кичиклиги сабабли, сифатли ичимлик суви билан таъминлашда узилишлар содир бўлаётганлиги аниқланди.

Бухоро вилояти
ҳокими уринбосари
Ф. АТАЕВ.»

Вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан қучайтирувчи насос станциясининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш чоралари кўрилди. Бунинг натижасида туман маркази ва хат муаллифи истикомат қилаётган қўчани сифатли ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди.

Ҳозирги кунда эса туман марказида ишлаб турган сув узатиш иншоотида артезиан қудуқлари суви «Дамхўжа» қувуридан олинаётган сув билан қўшилган ҳолда истеъмолчиларга етказил-моқда.

Шофиркон тумани маркази ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳоли пунктларини «Дамхўжа» сув қувуридан доимий равиш-да сифатли ичимлик суви билан таъминлаш учун туман марказида лойиҳалаштирилган сув тақсимлаш иншооти-даги 2 та ҳажми 1000 м³ бўлган сув ҳавзаси, сўрувчи филтрлар, II қўтарувчи насос станцияси, хлорлаш, идора-тахлил ва таъмирлаш устахона-си иншоотлари қурилиши зарур.

Лойиҳа асосида иншоот-лар қурилиши бошланган, улар қурилиб фойдаланиш-га топширилгандан кейин, Шофиркон тумани маркази сифатли ичимлик суви билан тўлиқ таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақуриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақуриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақуриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақурилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 29 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги тахрири) лойиҳаси ҳақида.

7. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Банк сирли тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
11. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
12. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
13. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида: ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИ

Маълумки, 29 августда иккинчи чақуриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияга пухта тайёргарлик қўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тuzилиб, кеча унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида илгари сурилган дастурга мувофиқ мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини

шакллантиришда парламентнинг навбатдаги сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар. Яна бир аҳамиятга эришиш учун муҳим сана — давлатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида бўлиб ўтди. Бу эса таралдув тадбирларини ижтимоий-сиёсий, ташкилий-техникавий, ҳар томонлама юқасак савияда ўтказишни талаб этади.

— Сессиянинг яна муҳим жиҳати, — деди ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис раисининг ўринбосари Борис Бугров, — кун тартибидан кўрилатган барча масала-

ларни халққа батафсил етказишда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ҳамда иш сифатини ошириш масаласидир. Зеро, улар сессия давом этаётган шундай долзарб кезларда омма билан орамиздаги энг мустаҳкам кўприқдир.

Ишчи гуруҳи йиғилишида сўзга чиққан депутатлар қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар ва навбатдаги сессияга пухта тайёргарлик қўриш учун бор куч-гайратларини, имкониятларини сарфлашларини билдирдилар.

Саида САЙХУН

Долзарб мавзу

«ПОМИДОР» — «ОЛТИН ОЛМА»

ЎКИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПОМИДОР ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ, ИСТИҚБОЛИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

СОҲА ТАРИХИДАН ЛАВҲА...

Манбаларда айтилишича, помидорнинг ватани Жанубий Америка ҳисобланади. Мексика, Перу, Чили давлатларининг илик ўлкаларида у энг кўп тарқалган.

Америка қитъаси кашф этилган, маҳаллий ҳинду қабилалари орасида «томатль» номи билан маълум бу ўсимликни Европага илк бор испанлар олиб киришган. Испанияда помидор узок вақтгача доривор ва хушманзара ўсимлик сифатида хона шароитларида ўстириб келинган. Европа халқлари орасида XVI асрларда илк бор италянлар помидордан озиқ-овқат максадларида фойдаланганлар. XVII аср охирида помидор дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам озиқ-овқат экни сифатида етиштирила бошланган. XIX аср ўрталарида у Россия ва Европа жанубида ҳам кенг тарқалди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, помидор Ўзбекистонга ҳам кириб келди. У мамлакатимизда 150 йилдан буюн экиб келинмоқда.

Помидор — «Помидоро» италянча сўз бўлиб, «олтин олма» деган маънони англатади. Французлар эса мевасининг шакли юраксимон бўлганлиги учун, уни «Помидамур», яъни «Муҳаббат олмаси» ҳам деб атаганлар. Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашларича, помидор таркибида йод бўлганлиги туфайли у атеросклероз, юрак касалликларида, бедармонликда, камқонликда, шунингдек, семириб кетишга мойиллиги бўлган кишиларга доривор восита сифатида тавсия этилади. Бундан ташқари, у жигар, буйрак касалликларида, қолаверса, инсон организмидаги модда алмасини мунтаносиблигида ҳам истеъмол этилиши лозим. Кишининг қундалик яшаш тарзи учун зарур бўлган 50 мг микдоридagi С дармондорисини иккита 100 грамм вазндаги янги узилган помидорни истеъмол қилиш орқали орга-

низмни қувватлантириш мумкин. Шундай экан, тиббиёт меъёрларига кўра, ҳар бир киши йилига ўртача 25,6 килограммгача помидор истеъмол қилиши зарур. Демак, бу рақамни мамлакатимиз аҳолиси жон бошига кўпайтирсак, халқимизнинг помидорга бўлган йиллик эhtiёжи аён бўлади-қолади.

Савол туғилади: **хўш, шу кеча-кундузда мамлакатимиз аҳолисининг помидорга бўлган эhtiёжини қондири-лайтишимиз? Помидор етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида қорих билан қандай ҳамкорлик қилинмоқда? Олимларимиз томонидан помидорнинг серхослик навларини яратиш устида нечоғли иш олиб борилапти?** Соҳанинг буғунги муаммолари нима-лардан иборат?

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

